ИНЭОБ (ОРСО)

№ 11-05/36 от 12.01.22г.

**ШАРТНОМА № 5**
**(хизмат курсатиш хакида)**

«05» 01 2022 йил — Фарғона шахар

"Фарғонаазот" АЖ.
(хужалик юритувчи субъект номи)

номидан низом асосида харакат килувчи, А.Т. Салижанов .
(ФИШ)

бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади бир томондан ва **Фарғона вилоят Дезинфекция Станцияси** номидан низоми асосида иш юритувчи **бош врачи Д.Орифжонов** бундан буён Бажарувчи» деб юритилади иккинчи томондан куйидагилар хакида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Бажарувчи» тегишли булган хизмат турини кўрсатиш, «Буюртмачи» эса кабул килиб курсатилган хизмат учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

| т/р | Хизмат тури | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| | Дератизация | м² | 384000 | 44,10 | 16934400 |
| | Дезинфекция | м² | 144 000 | 73,91 | 10 643 040 |
| | Дезинсекция | м² | 144 000 | 133,43 | 19 213 920 |
| | пр. муж | м² | 144000 | 78 | 11 232 000 |
| | | | | | 58 023 360 |

Хизмат кўрсатиш шартномасининг умумий бахоси 58 023 360 (эллик саккиз миллион йигирма уч минг уч юз олтмиш) сўм
(ракамлар, сзувлар билан) ҚҚС сиз

## III.ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Буюртмачи» хизматлар учун олдиндан, курсатилган хизматнинг 30 фоизи микдорида пул маблагини утказиш йули билан туловни амалга оширади. «Бажарувчи» тегишли булган хизмат турини кўрсатади

3.2. «Буюртмачи» томонидан бўлган 70 фоизи тулов «Бажарувчи» томонидан хизмат кўрсатиб берилиб, хисоб фактуралар такдим килингандан сунг 1 бир ой муддат ичида тулаб берилади.

3.3. «Бажарувчи » нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган холда кушимча белгиланади.

## IV. ХИЗМАТ КЎРСАТИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Бажарувчи» дастлабки тулов утказиб берилгандан сунг хизматни уч кун муддат ичида «Буюртмачи»га кўрсатиб бериши шарт.

## V. ХИЗМАТ СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган хизмат сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертфикати), ишлаб чикариш меъёрий хужжатлар ва «Буюртмачи»нинг талабларига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Бажарувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда уз вактида «Буюртмачи»га хизматни кўрсатиш;
- Шартноманинг шартлари «Буюртмачи» томонидан бузилганда кўрсатилаётган хизматни тўхтатиб куйиш хукукига эга;
- Тегишли даражада сифатли бўлмаган хизмат тугрисида билдиришнома олгандан сунг, сифатли булмаган хизматни 20 кун ичида кайта килиб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган хизмат бахосини кайтариб бериш.
- «Бажарувчи» етказиб бериладиган хизматлар учун хисоб-варакларда тулик ва аник номини, хизмат тури, категориясини ва бошка курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда туловларни амалга ошириш, хизматларни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, турига, сифатига караб уз вактида хизматларни кабул килиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли булмаган хизмат тугри кўрсатилгани аниклангандан сунг, ушбу тугрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хакида 3 кун ичида «Бажарувчи»ни огохлантириш.
- Тулик расмийлаштирилмаган хамда хизматнинг сифати, тури ва категориялари курсатилмаган хисоб-вараклар буйича туловлар амалга оширилишига йул куйилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Узбекистон Республикаси Конунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавоб беради.

7.2.«Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га хизматларни белгиланган муддатларда кўрсата олмаса, кечиктирилган хар бир кун учун 0,5 % микдорида «Буюртмачи»га пеня тулайди, лекин пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар бахосининг 50 % дан ошиб кетмаслиги лозим.

7.3.Шартнома талабларида курсатилган белгиланган сифатлардаги хамда бутлашдаги хизмат етказиб берилмаган такдирда, айбдор тараф ушбу махсулот кийматининг 20 % микдорида жарима тулашига сабаб булади.

7.4.«Буюртмачи» томонидан кўрсатилган хизматлар учун туловлар уз вактида амалга оширилмаган такдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % микдорида «Бажарувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортик булмаслиги лозим.

7.5.Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган хизматлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк етказиб берувчи томонидан копланади.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган такдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошкини, ёнгин, ер кимирлаши ва бошка табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошка хар кандай холатлар тегишлидир.

8.2.Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3.Агар бартараф килиб булмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш еки кушимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

## IX. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

9.1.Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор килишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Узаро келишилмаган такдирда мавжуд низо амалдаги конун хужжатлари асосида суд органлари оркали хал килинади.

9.2.Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукарилик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

9.3.Ушбу шартнома 2022 йил «05» 01 дан 2022 йил « 3 1 » 12 гача 2 нусхада тузилди.

Агар «Буюртмачи» ғазначилик бўлими оркали тўловларни амалга оширса, шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошкармаси (булими)да белгиланган тартибда руйхатдан утказилганидан сунг конуний кучга киради. Бошка холатларда тарафлар томонидан имзолангандан сўнг конуний кучга киради.

## X. КУШИМЧА ШАРТЛАР

______________________________________________

______________________________________________

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Ижрочи» | «Буюртмачи» |
| --- | --- |
| **ФАРГОНА ВИЛОЯТ ДЕЗСТАНЦИЯ** | „Fargonaazot" АЖ |
| (мол етказиб берувчининг номи) | (буюртмачи номи) |
| Манзил:Фаргона ш. Табобат 26-а | Манзил: Фаргона ш. Саноат к-си, №222 |
| Тел./факс: 73-226-38-07, 90- 560-54-69 | Тел./факс (73) 242-66-18 |
| х/в: 20210000400446448001 | х/в: 2021 0000 2002 2898 9001 |
| Банк номи:АИТБ"Ипак Йўли" Фаргона | Банк номи: Саноатқурилиш Банк Жўргули бўлими |
| МФО: 01168 СТИР: 200152050 | МФО: 00524 СТИР: 200202240 |
| ОКЭД: 86900 | ОКОНХ: 13111 ОКЭД: 20152 |
| Бош врач: Д.Орифжонов | Рахбар А.Т. Салимжанов |
| (Ф.И.Ш) | (Ф.И.Ш) |
| ________ (имзо) | ________ (имзо) |
| М.У. | М.Ў. |

*“Farg‘onaazot» АЖ билан тузилаётган*

*шартномага 1-илова:*

**Контраген номи:** Фарғона вил. Дезинфекция Станцияси.

**Шартнома мазмуни:** Корхона ҳудудини зараркунанда ҳашорот ва кемирувчиларга қарши дезинфекциялаш.

**Шартноманинг умумий қиймати**: 58 023 360 (эллик саккиз миллион йигирма уч минг уч юз олтмиш) сўм. Қўшилган қиймат солиғисиз.

**Масъул бўлим:** Ижтимоий аҳамиятга эга объектлар бошқармаси.

**20 22 йил «12» январь кунги № 11-05/36 -сонли шартноманинг келишиш ЖАДВАЛИ**

| Т/р | Имзо қўювчи шахснинг лавозими | Ф.И.О | Имзо | Сана | Изохлар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бошқарув расининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда корпарация алоқани кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўрибосари | У.И. Миллабоев | [signature] | | |
| 2 | Тижорат ва логистика бўйича бошқарув раисининг ўринбосари | Д.Э.Маннонов | | [signature] | |
| 3 | Иқтисодиёт ва молия бўйича бошқарув раисининг ўринбосари | Ғ.Ғ.Солиев | Давомчисида | | |
| 4 | Бош ҳисобчи | Х.Ғ.Хайдаров | [signature] | 10.01.22 | |
| 5 | ИЧХТАТҚ ва РТБ | О.Н.Азимов | [signature] | 10.01.22 й. | |
| 6 | Юридик бўлим | Н.И. Махкамова | [signature] | 10.01.22 | |
| 7 | **Ташаббускор (масъул) бўлим:** Ижтимоий аҳамиятга эга объектлар бошқармаси | Ш.Р. Сотиволдиев | [signature] | 10.01.2022й. | |
| 8 | ШМИҚБ | Б.М.Дадабоев | [signature] | | |